



## МУҲАББАТ ҲИСЛАРИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ЖИНСГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ахмедов Бахтиёр Турсунович**


*Термиз Давлат Педагогика институти  
Психология кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада севги-муҳаббат тушунчаларининг ўзига хос томонлари шарқ мутафаккирларининг дурдона маълумотлари ва ғарб мамлакатлари тадқиқотчиларининг фикр мулоҳазалари билан бойитилган бўлиб, ўз таркибида севги инсоний муносабатлар тизимида ўзига хос бетакрор ва кишини илҳомлантиручи, жозибадор туйғу эканлиги ҳамда боқичларнинг ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиб бориши кабилар батафсил ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳаёт, меҳр, садоқат, севги-муҳаббат, ҳиссиёт, юксак муносабат, физиологик инстинкт

Севги – нафақат буюк сўз, балки бетакрор инсоний ҳиссиёт ҳамдир. У ҳаётнинг маъноларини ўзида акслантирган ҳаётбахш туйғу. Инсоннинг ҳаёти давомида севги ва муҳаббат ҳисларининг пайдо бўлиши, бундай инсоний соф ва гўзал муносабатлар у билан ёндош яшаши унинг тақдирига битилган табиатнинг бетакрор тухфасидир. Инсон яшар экан баъзан шундай илоҳий ва мазмундор муносабатларга эрк беришга ўзида куч топади, ҳиссиётларига эрк беришга жазм ҳам қилади. Бироқ, бундай муносабатларнинг машаққатсиз бўлмаслигини, бу каби туйғулар жасорат, садоқат ва матонат каби сифатларни талаб этишини ҳис қилиши баробарида секинлик билан чекинишга қарор ҳам қилади. Юрагида муҳаббат ҳисси ўйғонган камдан-кам инсонларгина ўз муҳаббатлари учун курашадилар, жафо чекадилар. Бир қарашда демоқчи бўлаётганимиз севги-муҳаббат туйғулари жуда энгилдек туюлади, бир қарасак бу туйғу ўзидан-ўзи кечадиган энгил туйғу ҳам эмас. Агар у шундай энгил туйғу бўлмаса мураккаблигини нимада кўриш мумкин деган ҳақли савол туғилади. Унинг мураккаблиги, у кўзга кўринмас, лекин излари инсонни изтиробга солади, у қўлда тутилмас бироқ, ҳарорати ҳис қилинади. Ҳа, инсон умри шудай ажойиб муҳаббатли ҳислар жўрлигида кечади. Демак, муҳаббат – барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.

Маълумки, ижтимоий фикрлар тарихида муҳаббатга турлича маъно берилган. Юнонистонда муҳаббатни кишилар ва табиат устидан ҳукмронлик қилувчи афсонавий куч деб тушунганлар, натижада муҳаббат худоси — Эрос (Eros) ҳақида тасаввурлар вужудга келган. Эмпедокл муҳаббатни оламни — инсонлар ва табиат ҳодисаларини уюштириб, бирлаштириб турувчи омил деб қараган, Платон муҳаббатни 2 турга — ҳиссий муҳаббат ва ақлий муҳаббатга ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий муҳаббат ташқи гўзалликни ҳис қилишдан





ҳосил бўлади ва муҳаббатнинг қуйи босқичини ташкил этади. Ақлий муҳаббат эса гўзалликни кенг маънода — ахлоқий-эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У ақлий (маънавий) муҳаббатни устун қўяди. Яхши инсоний муносабатлар ва у билан боғлиқ ахлоқ-одоб, тартиб қоидалар Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўрганиш, кузатиш ва муносабат билдириш масалаларидан бўлиб келган. Улар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл орасидаги муҳаббатни юксак муносабат деб тушунишган.

Жумладан, шарқ олими Абу Али Ибн Сино ўзининг “Донишманднома” асарида ҳар бир киши бахтли бўлиши учун ўзидаги ахлоқи, одоби, юриш-туриши ва атрофдагиларга муносабатини ижобий қилиши кераклигини уқтиради. Буюк олим Абу Али ибн Сино ўз асарларидан бирида кучли муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди ва «даволаниш» йўллари кўрсатиб ўтади: муҳаббат ўтида қийналиб азоб чекаётган икки қалбни бирлаштиришни маслаҳат беради. Шунингдек у яна маълум объектив сабабларга кўра, яъни динидаги, саломатлигидаги, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидаги ва шу каби тафовутларга асосланиб қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, унда одамнинг руҳий хусусиятларига кўра турлича даво чораларни қўллашни тавсия этган. Масалан, ҳиссиётни бошидан кечираётган одамни севгилисидан совутиш, ҳиссиётни заифлаштириш, ҳиссиётни бошқа шахсга кўчириш, чалғитиш, органик эҳтиёжларни қондириш орқали муҳаббат ҳисларни сусайтириш шулар жумласидандир<sup>2</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб назарида, муҳаббат мустақкам оилавий турмуш, ижтимоий такомилнинг заминидир.

Ўз даврининг фасоҳат шоҳи ҳисобланган Лутфий ўзининг ғазалларида севгини турли кўринишларда ифодалаган бўлиб, унинг фикрича, муҳаббат инсонни қадрлаш, садоқат ва вафодорлик каби ҳислари билан чамбарчас боғлиқ тушунчадир.

Алишер Навоий муҳаббатни 3 турга: эркак билан аёл никоҳида амалга ошадиган жинсий муҳаббатга, умуман инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган муҳаббатга, Аллоҳга бўлган муҳаббатга ажратади. Унингча, муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири, яъни ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқлар ва севгилига яқинлашмоқ, унга лойиқлик. Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғда бўлганидек, диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи ва дарахти ҳам муҳаббатдир<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Шоумаров Ф. Б. Акрамова Ф.А. Оила психологияси. – Тошкент. 2011. – 82 б.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат 261 б. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси





Европада муҳаббат муҳим ижтимоий ҳиссиёт сифатида табиатни ўрганишга, шахснинг гармоник такомиллигига хизмат қилувчи куч сифатида талқин қилинади. Жумладан, Австриялик психолог З.Фрейд муҳаббатни физиологик инстинкт деб билди ва ота-оналик, фарзандлик меҳри ҳам шу инстинктнинг айрим кўринишларидан деб ҳисоблади.

Л.Я.Гозман ўз тадқиқот ишларида эротик севгининг ўзига хос ўзгарувчан ҳодиса эканлигига эътибор қаратади. Одатда у объектнинг ташқи жозибadorлиги туфайли пайдо бўлиб, жисмоний жалб қилиш эвазига мавжуд дўстлик ҳислари мустаҳкам севгига айланиши ёки барбрд бўлиши мумкин.

Севги тушунчасини таҳлил қилиб, бу туйғунинг барча кўп қиррали ва ноаниқлигини қайд этмаслик мумкин эмас. Бу ҳақда Ла Рошфуко шундай ёзади: “Севги битта, лекин унинг минглаб сохталари бор”.

Муҳаббат ўз ўтида ўртанган одамни саодатли қилади, унинг ўзига ҳослиги ҳам шундадур. Одамлар орасида қулоққа чалинадиган “ким севгини билмаса, демак у инсон яшамабди” каби ибораси бежизга айтилмаган. Шунингдек, севгини инсоннинг барча заифликлари ичидаги энг кечирарлиси деб ҳам ҳисоблаганлар.

Табиатда мавжуд бўлган ҳар бир севги фақат у бошда эмас, юракдан ҳис қилинсагина чин ва гўзалдир. Шу билан бирга севги, фақат ўзига қарши бўлган гуноҳдан ташқари барча гуноҳларни кечиришга қодир бўлган қудратли туйғу ҳамдир. Севги ҳудди оловга ўхшаб тиним билмайди бироқ, шундай бўлса-да у умидсизлик ёки қўрқув домига тушиши биланоқ сўнади. Севги ўзида энг нозик ва пинҳоний туйғуларни ҳис этади. Шунинг учун бўлса керак айрим севган инсонлар ўзларининг севги ҳисларини эҳтиёт қилишга, пинҳон тутишга астойдил интиладилар, авайлаб асрайдилар.

Севги ёки муҳаббатнинг хусусияти сифатида яна шуни айтиш керакки, у – кишининг бирор шахсга ёки кишилар гуруҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғусидир. Севги нафратнинг акси, шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. Муҳаббат туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий, умумий ҳолатлар бамисоли бир нуқтага тўпланади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳаёти давомида тўлақонли севги — муҳаббатни ҳис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич, алангаланган ва ўзаро ҳурмат босқичларини босиб ўтади.<sup>4</sup>

Бошланғич босқич ҳақиқий, истикболи порлоқ, бир умрлик соф муҳаббатнинг бошланиши ёки аксинча шунчаки бир ҳавас бўлиши ёки умри қисқа севгининг бирор-бир кўриниши бўлиши мумкин. Мазкур босқич

<sup>4</sup> Шоумаров ф. Б. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. - Тошкент - 2021, 82-бет





муҳаббатнинг «агаре» турининг бошланиши ёки «людус» турининг ўзгинаси бўлиши мумкин.

Биринчи босқич кўп кишиларда кузатилади ва иккинчи босқичга ўтмасдан сўниб қолади. Муҳаббатнинг бу босқичи эстетик дидимизга бирмунча тўғри келадиган, эстетик ва жинсий эҳтиёжларни қондириш (жинсий яқинлик шарт эмас) мумкин бўлган икки жинсни маълум вақтгача бўлган ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган ҳиссиётдир. Бу кўпинча муҳаббатнинг «lyudus» турини ташкил қилади. Лекин кўчада учратиб, бирдан ёқтириб қолиш каби ҳолларни биринчи босқичга киритиб бўлмайди.

Биринчи босқични нисбатан тезроқ босиб ўтган қизлар учун иккинчи босқич йигитлардагига нисбатан узоқ давом этади. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин: — аввало қизларда руҳий омилнинг жинсий омилга нисбатан устунлиги кўпинча жинсий ҳаёт уларда ҳиссиётнинг иккинчи босқичида бошланади. Йигитларнинг ҳиссиётида жинсий омилнинг кучлилиги сабабли руҳий қониқиш тезроқ кечади, чунки руҳий омил миқдорининг ўзи камдир;


— жинсий ҳаёт кечириш билан ҳис-туйғулар йигитлар учун оила қургандан сўнг пайдо бўладиган янгилик эмас, чунки уларнинг баъзилари уйланмасдан олдин ҳам анча-мунча тажрибага эга бўладилар.

Иккинчи, яъни алангаланган босқичдан биринчи босқичга қайтилмайди. Иккинчи босқичдан фақат учинчи — ўзаро ҳурмат босқичига ўтиш мумкин холос. Демак, фақат биринчи босқичгина қайтиш характериға эга, иккинчи босқичдан бошлаб ҳиссиёт ортга қайтмас хусусият касб этади. Фақат маълум сабабларга кўра бу босқичлар «тез» босиб ўтилиши мумкин. Бу айниқса, ёшликда илк севги — муҳаббатни бошдан кечиришда ёки бирдан севиб қоладиган енгил табиатли кишиларда учраши мумкин. Буни бирдан аланга олиб тез сўнган гулханга ўхшатиш мумкин.

Учинчи босқич иккинчи босқичдан ҳиссиётнинг кучи ва ташқи ифодаланишининг бирмунча сусаяйиши билан муҳаббат объектини идеаллаштирган тарзда эмас, балки севгилсининг шахсидаги ютуқ ҳамда камчиликларини объектив идрок қилиниши билан фарқ қилади.

Аксарият севишганлар ва эр-хотинлар учун иккинчи босқичдан учинчисига ўтиш улар орасидаги муносабатларни сақланиб қолишига шубҳа туғдиради. Бу шубҳа босқичдан босқичга ўтишда эмас, балки ҳар бир севишган жуфтларда муқаррар юзага келадиган севгини ўзаро ҳурмат босқичига ўтишини олдиндан билмаслик, ўтишдаги ҳиссий ўзгаришларни нотўғри талқин этиш, «муҳаббат объектини танлашда адашдим шекилли», каби янглиш фикрларни юзага келишидадир.

Одатда ёш оилаларда шундай вақтда эр-хотин орасида келишмовчиликлар кўпаяди ва кўпчилик ёшлар бундай вазиятда оиладан четда янги севги-муҳаббат объектини қидириб қолишади. Айрим оилалар эса бу ўзгаришларни





нотўғри талқин этиб, ажралиб ҳам кетишади. Шунинг учун ёшлар муҳаббат ҳисларини турли босқичларда бўладиган ўзгаришларни олдиндан билишлари ва ўз ҳиссиётларини олдиндан қурбон қилмасликлари керак.

Учинчи босқич умрнинг охиригача давом этиши ёки турли ва четдан бўладиган таъсирларга кўра барҳам топиши мумкин.

Иккинчи босқич конкрет севгилиси билан бир маротаба бошдан кечирилиб шу шахс билан иккинчи босқичга қайтиш бўлмайди.

Алангаланган босқични одам ўз ҳаётида бир неча маротаба ҳис этиши мумкин, аммо ҳар бирида янги севги бўлади.

Учинчи босқични узоқ йиллар давомида бирга яшаган оилаларда кузатиш мумкин. Бунда эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрга бўлган ҳиссиёти кескин кучаяди. Яъни инсон ҳиссиёти умрнинг айрим ёшларида кўтарилиши ёки мўътадил давом этиши кабилар кузатилади. .

Севги, меҳр, садоқат даражасидаги муҳаббат одамлар ва ҳайвонларнинг генетик дастурида мавжуд бўлган биологик ҳодиса сифатида ўзидан авлод қолдириш, уни ҳаётга тайёрлашга қаратилган кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлишидир. Бу, ҳайвонда ҳам, одамда ҳам ўз зўрриётини сақлаб қолишга қаратилган эҳтиросли эҳтиёжларни жинсий муносабатлар шаклида юзага чиқаради. Шунингдек, оилавий муносабатларнинг поклиги сабабини болаларнинг оиладаги хулқ-атвори, уларнинг маънавий камолотини мустаҳкамлаш ва кўп ҳолларда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги муҳаббатли муносабатла акс эади.<sup>5</sup>

Дарҳақиқат, муҳаббат фақат икки жинснинг бирлашишига бўлган кучли эҳтиросдан иборат бўлибгина қолмай, айна чоғда у одамнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, кўни-қўшнилари, ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқи ва Ватани ҳамда умуман башарият билан руҳан яқинлашишнинг кучли воситаси ҳамдир. Муҳаббат туфайлигина индивид гўзал феъл-авторни, хулқни ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдида юксак кадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Шунинг учун ҳам билиш назариясида муҳаббат олам ва одам муносабатларини англаш жараёнининг бошланиши ва шарт-шароити ҳам ҳисобланади. Одам оламни, ўзини қуршаган табиий ва ижтимоий муҳитни уларга бўлган муҳаббати даражасидагина англайди. Муҳаббатнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири одамлар ва нарсалар моҳиятини билиб олиш учун ақлга йўл очади, қоронғу дунёни ёруғ этади, эзгуликни ёвузликдан, ростни ёлғондан фарқлаш мезони сифатида ҳам намоён бўлади. Шунингдек, муҳаббат одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришда ўз ўрнига эга бўлган инсоний муносабат ҳамдир.

<sup>5</sup> Ахмедов, Б. Т. (2020). Влияние среды на формирование социальных стереотипов в семейных отношениях. *Проблемы современной науки и образования*, (1 (146)), 105-107.





Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўзини фидокорликда намоён этувчи севги инсон ҳаётида катта таъсирга эга бўиб, шахс шаклланишида унинг ўзини-ўзи аниқлаш, тасдиқлаш, маъқуллаш каби ижобий сифатларини тарбиялайди ҳам. Севиб севилган юрак энг бахтли кишининг юрагидир. Муҳаббатда омади чопмаган инсоннинг эса юраги хастадир. Сени севган инсонгина Сен йиғлаётганда кулдира оладиган, хар бир дардингга малҳам бўладиган инсондир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумаров Ғ.Б., Акрамова Ф.А. Оила психологияси. Тошкент. 2011. – 82 б.
2. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат 261б.[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси
3. Шоумаров Ғ.Б. 1001 саволга психологинг 1001 жавоби. – Тошкент – 2021, 82-бет
4. Ахмедов, Б. Т. (2020). Влияние среды на формирование социальных стереотипов в семейных отношениях. *Проблемы современной науки и образования*, (1 (146)), 105-107.
5. Ахмедов, Б. Т. (2018). Игра система внедрения инновационных учебных программ. *Гуманитарный трактат*, (29), 17-19.
6. Akhmedov, B. T. (2021). The Family as the Basic Unit of Society. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(12), 201-204.
7. Ахмедов, Б. Т. (2021). СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres>. 2021.27. 84.079 Ахмедов Бахтиёр Турсунович, Термиз давлат университети Педагогика институти “Психология” кафедраси катта ўқитувчиси. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (1-Махсус сон), 32-38.
8. Akhmedov, B. T. (2021). THE ROLE OF A HEALTHY LIFESTYLE IN STRENGTHENING FAMILY RELATIONS. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 277-279).
9. Akhmedov, B. (2022). PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF FEELINGS OF LOVE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1467-1470.

